

Ҳурматли тадбиркорлар...



11:03 / 03.05.2020 1198

Ҳурматли тадбиркорлар, маълумки Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилиши натижасида минглаб юртдошларимиз бошпанасиз қолишди. Уларга имкон қадар тезроқ ёрдам бериш, оғир синовли кунларда елкадош бўлиш ниятида, саховатпеша халқимиз чин ихлос билан 3 май куни эрта тонгдан хайрия штаби манзилига турли хилдаги кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келишмоқда. Эҳсон маҳсулотларини хайрия штабидаги ходимлардан иборат кўнгиллилар жамоаси қабул қилиб, тартиблаштирмоқда.

Шу муносабат билан юртдошларимиз томонидан қилинган ҳар хил турдаги кийим кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини тартибли ҳолатда жойлаш учун **махсус қоплар ва халталарга эҳтиёж туғилмоқда**. Шундай маҳсулотлар билан шуғулланувчи ёки ишлаб чиқарувчи тадбиркорларимиз

бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари сўралади.

Хайрия штаби манзили:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.

Мўлжал: «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуаси олдида

Телефонлар:

+998 93 397 0012

+998 97 412 2775

Саволлар учун: @grandtalimadmin_bot

Islom.uz портали